

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



# IMOM BUXORIY SABOQLARI



2/2023

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

# IMOM BUXORIY SABOQLARI



## TAHRIR HAY'ATI

**Akmal SAIDOV** – yuridik fanlari doktori, professor, akademik

**Nuriddin XOLIQNAZAROV** – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy

**Shoazim MINAVAROV** – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori

**Ahadjon HASANOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Bahrom ABDUHALIMOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Baxtiyor TURAYEV** – falsafa fanlari doktori, professor

**Baxtiyor KARIMOV** – falsafa fanlari doktori, professor

**Ilhom SAIDOV** – tarix fanlari doktori, professor

**Zohidjon ISLOMOV** – filologiya fanlari doktori, professor

**Zohidullo MINAVVAROV** – siyosiy fanlar doktori, professor

**Davronbek MAXSUDOV** – tarix fanlari doktori

**Shuhrat YOVQOCHEV** – siyosiy fanlar doktori, professor

**O'ktambek SULTONOV** – tarix fanlari doktori, O'zR FA Sharqshunoslik instituti yetakchi ilmiy xodimi

**Baxtiyor ERGASHEV** – tarix fanlari doktori

**Amriddin BERDIMURODOV** – tarix fanlari nomzodi

**Sarvar ABDULLAYEV** – falsafa fanlari nomzodi, dotsent

**Otabek MUHAMMADIYEV** – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

**Ashirbek MO'MINOV** – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)

**Devin DeWeese** – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)

**So'nmez KUTLU** – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)

**Ingeborg BALDAUF** – Gumbold nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)



### Muassis:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

### Bosh muharrir:

**Shovosil ZIYODOV**  
*tarix fanlari doktori*

### Muharrir o'rinbosarlari:

**Otabek MUHAMMADIYEV,**  
**Anvar BOBOYEV**

### Musahhihlar:

**Sanjarbek DJUMANOV,**  
**Asliddin MUSTAFOYEV**

### Sahifalovchi-dizayner:

**Muhammadiqbol SHUKUROV**

“Imom Buxoriy saboqlari” ilmiy jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining 2013-yil 30-dekabrda qarori bilan dissertatsiya asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan № 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

*Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif mas'ul hisoblanadi.*

IBXITM Ilmiy kengashining 2023-yil 27-apreldagi 2-sonli yig'ilishi qarori bilan nashrga tavsiya qilindi.

**Шовосил ЗИЁДОВ.** Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг диний кадрятларни тиклашдаги ўрни.....4

### БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Habibullo SADIBAQOSEV.** O'zbekiston – Turkiya: munosabatlarning yangi bosqichi.....7  
**Абдиқодир ПАРДАЕВ.** “Рисала фил эътиқод” асарининг тўғри эътиқодни исбот қилиш ва мутаассибликнинг олдини олишда тутган ўрни.....11  
**Dilnoza JAMOLOVA.** Jadidlarning matonatli ayollari taqdiri.....14  
**Фаррух ТЕМИРОВ.** Бухоро амирлигидаги мадрасалар ва таълим тизими ҳақида айрим мулоҳазалар.....17  
**Асроржон САТТОРОВ.** Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлиги.....22  
**Алишер ЯРКУЛОВ.** Ўзбекистон археологиясининг ривожланиш босқичлари.....26  
**Санжарбек ДЖУМАНОВ.** Ўзбекистонда тиббий таълимнинг ривожланиши (2016-2022 йй).....29  
**Зебинисо АКБАЕВА.** Туркистон ўлкасида Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ва сиёсий кураш (1917 йил ноябрь – 1919 йил январь).....32  
**Sardor NURMETOV.** O'zbekiston hududining ibtidoiy madaniyati tarixi sahifasiga doir ba'zi mulohazalar.....36  
**Zavqiddin BURIYEV.** Rossiya imperiyasi ko'chiruvchilik amaliyotining Kaspiyorti viloyati tub aholisi madaniy hayotiga ta'siri.....40  
**Ravshanjon ABDULLAYEV.** Mirzo Ayyubning hayoti, faoliyati va ijodiy merosi xususida.....44  
**Олимжон ТУХТАЕВ.** Ўзбек халқи оилавий муносабатлари мустахкамлигида миллий ва диний кадрятлар уйғунлиги.....46  
**Shohruhbek MAMADALIEV.** Mahalliy matbuotda ocharchilik masalasining yoritilishi.....48

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Бахтиёр ТУРАЕВ.** Али Қушчи – иккинчи ренессанс ютуқларини Европага узатган мутафаккир.....51  
**Очил БЎРИЕВ, Раъно ТЎХТАЕВА.** Абу Райхон Беруний тарихий меросига чизгилар.....55  
**القورصاويون وائثرهم في العلم والدعوة.** الدكتور سيف بن علي العصري.....58  
**Каромиддин ЖАМАХМАТОВ.** Мавлавий Жунуний асарларида Ҳаким Термизий манобеи.....62

### НОДИР МАНБАЛАР

**Ёқуб БУХАРБАЕВ.** Девоний хати.....67  
**Матлуба ТЎХТАЕВА, Бобирмирзо БОТИРОВ.** “Ал-Ҳидоя” асарида оила ва никоҳ муносабатларига доир ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг очиқ берилиши.....71

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Зиёдулла ЗИНАТУЛЛАЕВ.** Ислом бошқарув тизимининг Биринчи Ренессансга таъсири.....75

**Mexrojiddin AMONOV.** Zarafshon vohasida tasavvuf silsilalari (XV-XIX asrlar).....81  
**Одилжон ЭРНАЗАРОВ.** Ўрта асрларда қорейс мусулмонларининг маданий-маърифий ҳаёти.....85  
**Маъраб ХИДИРОВ.** Оятлар билан ҳукм қилмаганларни қорғишга чиқариш масаласида уламо-ларнинг қарашлари.....91  
**Фазлиддин ҚОДИРОВ.** Фуқаролик онги ва фуқаролик фаолиятининг фалсафий таҳлили.....93  
**Улғабек ҲАСАНОВ.** Замонавий тафсируносликнинг муҳим белгилари.....97  
**Қосимбек РАЗЗОҚОВ.** Тасаввуф ва чишти тарикатининг инсон ахлоқий-руҳий бардамликка эришувидаги аҳамияти.....101  
**Odil TOSHPULATOV.** Amoralizmning oldini olishda Islom dini qadriyatlarining ahamiyati.....104  
**Сержан АНДАРБАЕВ.** Вопросы по изучению “Тафсир аль-Фаваид” Х. Амирхана.....107

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

**Ҳабиба ЖАББАРОВА.** Гендер тенгликнинг ўзгариш сабаблари.....110  
**Лола СОҲИБОВА.** Ўзбекистонда шахс маданий савиясининг асосий хусусиятлари.....113  
**Eldor ALKAROV.** Xavfsiz turizmni sertifikatlash.....116  
**Олмос ИБРАХИМОВ.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш истикболлари.....118

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

**Otabek G'AYBULLAYEV.** Islom dinining yoshlar ma'naviyatini rivojlantirishdagi ijtimoiy-falsafiy masalalari.....120  
**Равшан МАРДОНОВ.** Исломда таълим фалсафаси эволюцияси.....123  
**Sojida YAXYAEVA.** Yoshlarda estetik madaniyat rivojlanishining falsafiy masalalari.....128  
**Бахтиёр ТУРСУНОВ.** Алишер Навоий маънавий меросида миллий ва умуминсоний кадрятлар баёни, уларнинг синергетик талқини (“Махбуб ул-қулуб” асари мисолида).....132  
**Жонибек ЖУМАЕВ.** Диний тафаккур эволюцияси: исломий дунёқараш ва тасаввуф таълимоти.....137  
**Axmadjon DJURAYEV.** Islom dinida yo'l harakati xavfsizligi mafkuraviy xususiyatlarining yoshlar tarbiyasidagi falsafiy ahamiyati.....141

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

**Gulshanoy JURAYEVA.** Ilm – insoniylik ziynati, ilmsizlik – jaholat botqog'i.....144

### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

**Eldor MAMATQULOV.** Ma'naviy makon tushunchasi: muammo va yechimlar.....147

## ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги археология тадқиқотларининг ривожланиш босқичлари ёритилган. Дастлаб хазина изловчилар, кейинчалик ҳаваскорлар томонидан археологик изланишлар ўтказилган. XX аср бошларида археология соҳаси тўлиқ шаклланади ва шу аср давомида ривожланади. Мустақиллик йилларида унинг ривожланиши алоҳида босқичга кўтарилган. **Таянч сўзлар:** археология, ривожланиш, босқичлар, Туркистон, тадқиқотлар, моддий маданият, журналлар, илмий тўпламлар.

**Annotation:** The article describes the stages of development of archeology research in the territory of Uzbekistan. Archeological research was carried out first by treasure hunters, then by amateurs. At the beginning of the 20th century, the field of archeology is fully formed and continues to develop throughout this century. During the years of independence, its development reached a special stage. **Keywords:** archaeology, development, stages, Turkestan, studies, material culture, journals, scientific collections.

**Аннотация:** В статье описаны этапы развития археологических исследований на территории Узбекистана. Археологические исследования проводились сначала кладоискателями, затем любителями. В начале 20 века область археологии полностью сформировалась и продолжает развиваться на протяжении всего этого столетия. За годы независимости его развитие достигло особого этапа.

**Ключевые слова:** археология, развитие, этапы, Туркестан, исследования, материальная культура, журналы, научные сборники.

Бошқа давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам археология фанининг ўз ривожланиш йўли бор.

Ўзбекистонда археология тадқиқотларининг ривожланишини уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Россия империяси истилоси даври.
2. Собик совет иттифоқи даври.
3. Мустақиллик даври.

Барча империячи давлатлар сингари Россия ҳам Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин бу ердаги қадимий цивилизациялар билан қизиқа бошлайди. Истилочилар билан биргаликда турли қатлам вакиллари келади. Таркибида, албатта, турли соҳа олимлари, шу жумладан, археолог, шарқшунослар ҳам бўлган. Улар аксарият ҳолларда хазина излаш билан шуғулланган.

Ўзбекистон ҳудудида 1895 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон археология хаваскорлари тўғараги ташкил этилиши билан археология тадқиқотлари бошланган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки айнан шу даврдан бошлаб қадимги археологик ёдгорликлар, фольклор, қадимий қўлёзмалар ҳамда осори-атиқаларни тўплаш ва ўрганиш бошланган.

Тўғарак аъзолари қаторида В.В.Бартольд, М.С.Андреев, А.А.Диваев, Н.С. Ликошин,

Н.Г.Маллицкий, Н.П.Остроумов, А.А.Семёнов, В.В.Вяткин ва бошқалар бўлган. Тўғарак 1917 йилда тарқалиб кетган<sup>1</sup>.

Туркистон археология хаваскорлари тўғараги аъзоларининг энг машхур ишлари В.В.Вяткин томонидан Афросиёбда ўтказилган қазилмалар ҳамда Улуғбек расадхонасининг топилиши эди. Айнан шу даврда биринчи ўзбек хаваскор археолог Акрам Аскаров рус археологлари билан ишлаб, соҳага кириб келди<sup>2</sup>.

Совет ҳукмронлиги даврида археология анча тараккий эта бошлади. Шундай бўлса-да, иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда нисбатан суёт ривожланган. Бу даврда А.П.Окладников томонидан 1938-1939 йилларда Тешиктош ғорининг топилиши археология фани учун муҳим кашфиётлардан ҳисобланади<sup>3</sup>.

Иккинчи жаҳон урушигача В.Л.Вяткин, Б.П.Денике, М.Е.Массон, А.Ю.Якубовский,

1 Туркистон археология хаваскорлари тўғараги. QOMUS. INFO onlayn ensiklopediya. “Т ҳарфи”.

2 Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Х. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан. Ўзбекистон археологияси. – Самарканд: 2010. – Б. 6.

3 Окладников А.П. Мустьерская стоянка в гроте Тешикташ в Узбекистане // КСИИМК – Вып. II. – 1939. – С. 3.

В.А.Шишкин, С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломовлар фаолият олиб борган<sup>4</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тизимли равишда археология тадқиқотлари кўпайиб борганини кўриш мумкин. Айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтидан Археология институтининг ажралиб чиқиши алоҳида аҳамият касб этган.

1959 йилдан Археология тадқиқотларини ёритиб бориш учун Ўзбекистон моддий маданияти тўпламини мунтазам чоп этиш бошланган. Археологик тадқиқотлар натижасида давлат муҳофазасига олинган археология мероси объектлари рўйхати тузилиб, 1973 йилда биринчи марта Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган<sup>5</sup>.

Ўтган асрнинг 80-йилларида археологик объектларнинг янги рўйхатини шакллантириш учун Ўзбекистон бўйлаб кенг миқёсда қидирув ишлари амалга оширилган. Лекин бу охирига етказилмай қолган.

Шунга қарамай, археологик тадқиқотлар натижалари сифатида кўплаб монография, рисола ва мақолалар нашр этилган.

А.Аскарров, А.Мухаммаджонов, Ў.Исломов, Ю.Буряков, М.Қосимов, Т.Мирсоатов, Р.Сулаймонов, М.Жўрақулов, А.Абдуҳамидов, М.Исоков, М.Мамбетуллаев, М.Ҳ.Исомиддинов, И.Ахроров, Ў.Алимов, Т.Ш.Ширинов, А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев, Ж.Мирзааҳмедов кабилар фаолият олиб борган<sup>6</sup>.

Кўриб турганимиздек, XX асрнинг бошидан охирига қадар ўзбек маҳаллий археологларининг шаклланиш даври бўлди. Уларнинг етишиб чиқиши кейинги мустақиллик даври учун ҳам асос бўлди.

Мустақиллик даврида бошқа соҳалар сингари Ўзбекистон археологияси ҳам ўз ишини иқтисодий қийинчиликлар билан бошлади. Бунини Самарқандда жойлашган Яхё Ғуломов номидаги

Археология институти фаолиятида яққол кўриш мумкин.

1990-йиллар бошида ҳам археология мероси объектлари рўйхати шакллантирилади. Аммо бу юқори турувчи органлар томонидан тасдиқланмасдан қолиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон археология ёдгорликларини сақлаш чоралари ва ёдгорликларни ўрганишнинг ахволи ҳақида”ги 64-сонли қарори<sup>7</sup>да 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институти таркибида Тошкент, Урганч, Наманган ва Термиз шаҳарларида таълим муассасасининг минтақавий бўлимларини очиш ва шунга ўхшаш вазифалар кўзда тутилган эди. Ушбу вазифалар иқтисодий қийинчилик сабабли ўз ижросини топмаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий қийинчиликлар туфайли “Ўзбекистон моддий маданияти” тўпламини нашр этиш ҳам секинлашди. 1991 йилдан 2000 йилгача унинг 6 та сони нашр қилинади, холос.

Бу даврда археология соҳасининг ўз фаолиятини давом эттиришида Археология институтининг хорижий ҳамкорлар билан мустақам алоқа ўрнатгани катта аҳамиятга эга бўлди.

2000 йиллардан бошлаб “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” тўплами, 2010 йилдан “Ўзбекистон археологияси” журналларининг нашр этилиши археология тадқиқотларининг ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Агар 2012 йилда 35 тага яқин археология тадқиқоти ўтказилган<sup>8</sup> бўлса, 2022 йилга келиб уларнинг сони 70 тани ташкил этди.

Археология институтида “Ўзбекистонда Археология фанини ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. Икки бўлимдан иборат концепциянинг биринчи қисмида Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси тизимидаги ўрни, дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси археологик тадқиқотлар билан исботланади. Шунингдек, мазкур қисмда Ўзбекистон археологиясининг келгусидаги истиқболли вазифалари бегиланган. Концепциянинг иккинчи қисмида қадимги

7 Ўзбекистон археология ёдгорликларини сақлаш чоралари ва ёдгорликларни ўрганишнинг ахволи ҳақида. Вазирлар Маҳкамасининг 64-сонли қарори, 1992 йил 13 февраль. Lex.uz.

8 Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарқанд: 2013. 9-сон.

4 Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан. Ўзбекистон археологияси. – Самарқанд: 2010. – Б. 10.

5 Об утверждении списков архитектурных, историко-художественных и археологических памятников принятых на государственную охрану. Совет Министров Узбекской ССР. Постановление №539. От 21 декабря 1973 г.

6 Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан. Ўзбекистон археологияси. – Самарқанд: 2010. – Б. 11.

даврлардан то темурийлар давригача ўзбек давлатчилиги ва цивилизациясининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичларининг асосий хусусиятлари, даврий чегаралари ва бошқа йўналишлари белгилаб берилди<sup>9</sup>.

1. Ўзбекистоннинг қадимги тош асри илдизлари ва атроф муҳит.

2. Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги давлатчилиги, моддий-маданияти ва мафкуравий ҳаёти (археология манбалари асосида).

3. Ўзбекистоннинг ўрта аср давлатчилиги ва цивилизацияси археология манбалари асосида.

4. Қадимги ҳунармандчилик маҳсулотларини физик, химик, археологик тадқиқотлар асосида ўрганиш ва археология обидаларида кимёвий консервациялаш усуллари татбиқ қилиш<sup>10</sup>.

Мустақиллик йилларида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири – бу қадимий шаҳарларнинг ёшини аниқлаш

9 Бердимуродов А.Э. Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг таракқиёти. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон археологияси: ютуқлар ва истикболлар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. 2016 йил 15-16 сентябрь. – Самарқанд: 2016. – Б. 3.

10 Ширинов Т.Ш. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 32-нашри. – Т.: Фан, 2001. – Б. 9.

учун ўтказилган тадқиқотлар ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги аниқланди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон археологлари меҳнатининг самарасини кўрсатади.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент шаҳрида Миллий археология маркази ташкил этилди<sup>11</sup>. Самарқанд археология институти эса унинг филиалига айлантирилган эди.

2022 йил 31 августда Самарқанд археология институти қайта ташкил этилиши<sup>12</sup> билан археология тадқиқотлари янги босқичга кўтарилди.

Шундай қилиб, ўзбек археологияси мактаби турли мураккаб шароитларда шаклланишини, мустақиллик йилларда археология соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин.

11 Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сонли қарори. Lex.uz.

12 Ўзбекистон Республикасида археология соҳасидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги 485-сонли қарори. Lex.uz.

